Sifatli ta'lim-yorqin kelajak
ISSN: 3060-4761

TerDPI ILMIY XABARNOMASI
SCIENTIFIC BULLETIN OF THE TerSPI
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ТерГПИ

www.xabarnoma.terdpi.uz

UDK: 001.11
ORCID: 0009-0008-5101-0686

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Холмуродов Шухрат Окбоевич
Термиз давлат педагогика институти
Математика ва информатика кафедраси ўқитувчиси
E-mail: shxolmurodov@gmail.com
Абдумўминов Бурхон Суннатилло ўғли
Термиз давлат педагогика институти
Математика ва информатика кафедраси ўқитувчиси
E-mail: burxon0397@gmail.com

Аннотация. Мақолада умумтаълим мактаби ўқувчиларида тафаккурни ривожлантириш муаммосининг ҳозирги аҳволи танқидий нуқтаи назаридан баён қилинган. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тафаккурни ривожлантириш кўп жиҳатдан ўқув – тарбиявий жараённи ташкил этишга боғлиқ. Шу боис таълимда тафаккурни ривожлантирмасдан, замонавий технологик усулларни қўлламасдан туриб, креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш мумкин эмаслиги ҳеч кимга сир бўлмаса-да, бу соҳада ҳали кўзга ташланадиган иш қилинганича йўқ. Айниқса, ҳозирги информатика фанини ўқитишда ўқувчи тафаккурини ривожлантиришнинг асосий омили бўлган фалсафий қонуниятлар ва категорияларга таяниш, фалсафий мушоҳадалар юритиш хулосалар чиқариш эътиборга лойиқ. Тадқиқот ишида умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитишда ўқитувчининг фалсафий билимлардан хабардор бўлиши, мавзуларга оламнинг ягона фалсафий тушунчасининг ҳар томонлама шаклланиши нуқтаи назаридан ёндашиши, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда замонавий таълим технологияларини жорий этиши ва мунтазам равишда ўз устида ишлаб бориши, мустақил фикрлаши, машғулотларни креатив ўтиши эътиборга олинган.

Калит сўзлар: кадр, миллий, дастур, қоида, билим, ўзлаштириш, ривожланиш, қобилият, тафаккур, иқтидор, маънавият, авлод, баркамол, жамият.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ УЧИНИКОВ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ШКОЛЫ

Аннотация. В статье описано современное состояние проблемы развития мышления учащихся общеобразовательной школы с критической точки зрения. Развитие мышления учащихся средней школы во многом зависит от организации учебного процесса. Хотя ни для кого не секрет, что воспитание творческой молодежи невозможно без развития мыслительных способностей и использования современных технологических методов в образовании, существенных работ в этом направлении пока не проводилось. В частности, стоит отметить, что в современном преподавании информатики опора на философские законы и категории, а также философские наблюдения и выводы являются основными факторами развития мышления учащихся. В исследовательской работе учитывалась необходимость учета педагогами философских знаний при преподавании информатики в общеобразовательных

школах, подхода к излагаемым темам с позиции комплексного формирования единого философского понимания мира, внедрения современных образовательных технологий на уроках и во внеклассной работе, регулярной работы над собой, самостоятельного мышления, творческого проведения занятий.

Ключевые слова: кадры, народ, программа, правило, знание, мастерство, развитие, способности, мышление, талант, духовность, поколение, совершенное, общество.

THE CURRENT STATE OF THE PROBLEM OF DEVELOPING THINKING SKILLS IN GENERAL EDUCATION SCHOOL STUDENTS

Annotation. The article describes the current state of the problem of developing students' thinking in comprehensive schools from a critical point of view. The development of secondary school students' thinking largely depends on the organization of the educational process. Therefore, although it is no secret that the education of creative youth is impossible without developing their thinking abilities and using modern technological methods in education, no significant work has been carried out in this direction yet. In particular, it is worth noting that in modern teaching of computer science, reliance on philosophical laws and categories, as well as philosophical observations and conclusions are the main factors in the development of students' thinking. The research work took into account the need for teachers to take into account philosophical knowledge when teaching computer science in comprehensive schools, an approach to the topics presented from the standpoint of a comprehensive formation of a single philosophical understanding of the world, the introduction of modern educational technologies in lessons and extracurricular activities, regular self-improvement, independent thinking, and creative teaching.

Key words: staff, national, program, rule, knowledge, mastery, development, ability, thinking, talent, spirituality, generation, perfect, society.

КИРИШ. Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ҳамда "таълим тўғрисида"ги қонун натижасида таълим тизимида катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимларини оширишлари, муайян фан асосларини чуқур, мукаммал ва пухта ўзлаштиришлари қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, мантиқий фикрлаши ва тафаккури ривожланишига эътибор қаратилмоқда.

Инсон тафаккури, илмий салоҳияти, қобилияти мамлакатимиз ижтимоий бойлиги саналади. Келажакда Ватанимизнинг фаровон бўлиши кўп жиҳатдан бугунги ўқувчи – ёшларимизнинг иқтидорига, истеъдодига, чуқур ва зукко тафаккурли, билимдон ва маънавиятли бўлишига боғлиқ.

Ёш авлоднинг баркамол бўлиб етишишида информатика таълимининг аҳамияти катта бўлиб, информатика нафақат барча фанларни ўзлаштиришда, балки умуман, жамиятда инсонларнинг ўзаро алоқага киришишида – мулоқотнинг шаклланишида аҳамиятли.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР. Бугунги кунда информатика фани олдига қўйилган асосий вазифалардан бири – бу ёшларда ўз яикрларини мустақил, мантиқий кетма-кет, изчил, медиатаълим технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, таъсирли ҳолда етказиб беришдан иборат.

Информатика фанини ўқитишда методист олим ва амалиётчилар тафаккур ривожлантиришнинг у ёки бу томонларини тадқиқ қилишга муваффақ бўлишган. А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, Ч.Б.Нормуродов, Бобоқулова,

У.Ш.Бегимқуловларнинг тадқиқот ишларида тафаккурни ривожлантиришнинг маълум жжиҳатлари ўзининг илмий ифодасини топган. Тафаккурни ривожлантиришда таҳлил малакасини такомиллаштириш муҳим.

Информатика фанини ўқучиларга сингдириш, мустақил фикрлашга ўргатиш масаласида А.А.Абдуллаевнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Фикр мустақиллиги унинг сермаҳсуллиги самарадорлигида кўринади. Агар инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсиялар яратилган, назарий ҳамда амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай кишини мустақил тафаккур соҳиби дейиш мумкин.

Инсон тафаккури ва мантиқ масалалари академик Ж.Туленов, А.Чориев, И.Эргашев, В.Алимасов каби профессорларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. Уларда шахс тафаккурини ривожлантириш унинг камолотга етишишида фалсафий дунёқараш асос бўлиши таъкидланган. Жумладан, акад. Ж.Туленов мантиқий фикрлаш ўз фикрини асослаш туфайли ўқувчида тафаккур такомил бўлишини таъкидлаб, "Муайян мавзудаги ўз нуқтаи назарини баён қилишнинг мантиқий методларидан фойдалана билсин. Бунда инкор этилган фикрларнинг асоссиз эканлигини исботлайдиган далиллар бўлиши керак" деб тушунтирса, И.Эргашев: "бутун фалсафа ҳар бир инсон онги ва тафаккур тарзи, дунёни идрок этиши, унга муносабати, ўзлигини англашдаражаси, қадар-қиммати билан боғлиқ бўлган қарашлари ҳамда амалий фаолиятининг мажммуи", дея кўрсатади[10]. В.Алимасов "фалсафага оид бўлмаган мавзу ҳам йўқ,мазммун ҳам йўқ" эканлигини исботлайди[1].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА. Информатика фанини ўқитиш масалаларига аниқлик киритиш, бу соҳада тўпланган барча ютуқларни янада бойитиш, уларни умумлаштириш, назариянинг амалиёт билан уйғунлигини исботлаш, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, тафаккурнинг кўп қирралилигини информатика ўқитишда амалга ошириш, умумтаълим мактаблари учун талим бериш метод ва усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги педагогика олдида турган, ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалардан. Чунки тафаккур кўп қиррали бўлиб, ўқувчи билими ривожланиб, бир неча ақлий фаолият бир вақтнинг ўзида амалга ошади, бу эса ўқувчи шахси ривожланишига туртки бўлади.

Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тафаккурни ривожлантириш кўп жиҳатдан ўқув – тарбиявий жараённи ташкил этишга боғлиқ. Шу боис таълимда тафаккурни ривожлантирмасдан, замонавий технологик усулларни қўлламасдан туриб, креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш мумкин эмаслиги ҳеч кимга сир бўлмаса-да, бу соҳада ҳали кўзга ташланадиган иш қилинганича йўқ. Айниқса, ҳозирги информатика фанини ўқитишда ўқувчи тафаккурини ривожлантиришнинг асосий омили бўлган фалсафий қонуниятлар ва категорияларга таяниш, фалсафий мушоҳадалар юритиш хулосалар чиқариш эътиборга лойиқ. Негаки, барча фанларнинг методологик асоси фалсафа бўлиши билан бирга, ҳар қандай фан қонуниятларининг асоси фалсафий категориялардан иборат. Шундай экан, таълимни ташкил этишнинг амалдаги назарияси ва анъанавий педагогик амалиёт замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладими, информатика фанини ўқитишда фалсафий билимларнинг ўрни қандай, дегапн савол туғилади.

Информатика фани ўқувчилар мавқеини, фаоллигини, илмий дунёқарашини креативлигини юқори даражага кўтармасдан ва ўқувчиларни ўқув

– тарбиявий жараённинг фаол иштирокчисига айлантирмасдан туриб, шунингдек, фалсафий билимларни ўргатмасдан олдин уларнинг тафаккурини ривожлантириш мумкин эмас. Ўқувчи фаолиятини ўрганиш, билимларни ўзлаштириш жараёнини уларнинг тафаккурига мўлжаллаб ташкил этиш муаммосини тадқиқи этишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг фикри дастуруламал бўлиб хизмат қилади: "... таълим – тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожи ҳам белгилайдиган омилдир... Онгни ва тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди"[3].

Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот иши информатика ўқитишнинг тилмий салоҳиятини кўтаришнинг методологик асослари, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ва ўз фикрини мустақил ифодалашда мантиқий кетма-кетлик, изчиллик, информатика фанига оид сўзлар заҳирасидан ўринли ва самарали фойдаланишнинг назарий асослари, шунингдек, амалий – татбиқий масалалар ҳақида фикр юритилади.

Тадқиқот ишида умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитишда ўқитувчининг фалсафий билимлардан хабардор бўлиши, мавзуларга оламнинг ягона фалсафий тушунчасининг ҳар томонлама шаклланиши нуқтаи назаридан ёндашиши, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда замонавий таълим технологияларини жорий этиши ва мунтазам равишда ўз устида ишлаб бориши, мустақил фикрлаши, машғулотларни креатив ўтиши эътиборга олинган.

Таълим-тарбиявий жараёнда борлиқ ва унинг элементлари (бутун ва бўлак)ни, нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро бири иккинчиси билан алоқадорлиги тизимни, шу билан бирга ўзаро фарқланишини, нарсаларнинг хусусиятларга эга бўлишини, уларнинг замонда мавжуд эканлиги (замон категорияси)ни, инкор ва тасдиқни ифодалаши (бўлишли – бўлишсиз, инкор – тасдиқ)ни ва бошқа фалсафий – ҳаётий тушунчаларни информатика фанига оид тушунчалар билан муқояса қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқитувчи доимо изланишда бўлиши, замонавий таълим технологиялари билан таниш бўлишигина эмас, балки унинг яратувчиси бўлиши лозим.

Информатика фани дарсларида яратилаётган инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этишда асосий эътибор ўқувчининг информатикага доир атамалардан тўғри, таъсирли фойдалана олишига қаратилмоғи керак. Бунинг учун эса ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиишга эътибор қаратилмоғи зарур. Бу эса информатика фани ўқитувчилари олдига катта масъулият юклайди.

Маълумки, тафаккур орқали инсонлар олам сирларини англаб етадилар, ҳукм – хулосалар чиқарадилар. Шунинг учун ҳам ушбу масалаларга азал-азалдан эътибор бериб келинган. Қомусий олимларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобийлар ижодига назар ташласак, уларда бола тарбияси ундаги ақлий фаолиятни ривожлантириш масалалари борлиқ ва унинг қонуниятлари билан қўшилган ҳолда берилади.

Мантиқий фикрлаш бўйича Абу Али ибн Сино ўз фикрларини баён этиб, турли мантиқий усулларни таърифлаш, ҳукм – хулоса чиқариш, айниқса, исботлаш туфайли инсоннинг ақлий қобилияти борган сари ривожланиб боришини таъкидлаб ўтади.

Фалсафа ва мантиқ илмида тафаккур ўстириш масалалари Арастуннинг "Метафизика" монографик асарида баён этилган. Унинг фикрича, диалектика –

оддий суҳбат қуриш санъати эмас, балки борлиқ ва тафаккурнинг умумий асосларини билиш, биринчи навбатда, фалсафий тадқиқотларни илмий методда аниқлаш. Бунда сезги ва тафаккуримиз берган маълумотлар асосида фалсафий ва илмий билимларни қуришда ҳақиқий методни тушуниш англанади.

Мантиқ – инсонга шундай бир қоида берадики, бу қоида ёрдамида инсон хулосачиқаришда хатолардан сақланди.

Фалсафа ва информатика фанида бутун ва бўлак муносабатлари, айримлик, хусусийлик масалалари бўйича Фаридиддин Аттор "жамики ашёлар" ҳодиса ва сифатлар яккалик, алоҳидалик ва умумийликқонуниятига бўйсунди, деб айтган эди.

Фаробий таълимотига кўра: "Ҳамма нарсалар учун умумий жисм – олам. Демак, умумийлик мавжуд экан, алоҳидалик, хусусийлик ҳам мавжуд. Улар бир-бирлари билан ўзаро алоқадор – диалектик бирликда. Умумийлик ва хусусийликни аниқлаш, фикрлаш – бу фаҳм – фаросат ва зеҳннинг тафаккур томон силжишида намоён бўлади"[7].

Профессор Ҳ.Шамсиддинов айримлик, хусусийлик ва умумийликни психолингвистик омил деб кўрсатади. Объектив воқеликдаги нарса – ҳодисаларни номлашда диалектиканинг муҳим категориялари бўлган айримлик, хусусийлик ва умумийлик етакчи ўрин тутишини таъкидлайди[9].

Профессор А.Нурманов хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги алоқадорликни ҳис қилиш аҳамияткасб этишини кўрсатиб, "Агар киши фаҳмийбилиш даражасида қолиб,хусусийликларни умумийликларни умумийликка бирлаштира олмаса,у ҳақиқий объектив билимга эриша олмайди", – дейди. Ана шу фикрларни тилшунос олима Р.Сафарова давом эттириб, унинг инсон онгида,тафаккурида қандай аҳамият борлигини исботлаган.

Объектив бирликдаги умумийлик ва хусусийлик тушунчалари орасидаги алоқадорлик инсон онгида умумийлик ва хусусийлик тушунчаларининг ифодаси аниқ акс этиши билан бевосита боғлиқ. Профессорлар Ҳ.Неъматов, О.Таъкидлаганидек, фанлар тараққиёти шу даврнинг илғор фалсафий фикри, даври учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан узвий боғлиқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, айтиш жоизки, ўқувчилар фаҳм – фаросат, тафаккур орқали оламни ўрганадилар, фаолият кўрсатадилар, исботлайдилар,фарқлайдилар, бутун, яхлит объектни бўлакларга бўлиниш хусусиятларини, бутунга айланиш томонларини, умумийлик ва хусусийликни,улар ўртасидаги алоқадорликни англабетадилар, улардан заруцрий хулосалар чиқардилар.буларнинг барчаси ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришнинг зарурий шартлари бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳар қандай фаннинг асосини фалсафа ва мантиқ фанлари ташкил этади. Шу боис тадқиқот ишимизнинг катта қисмини умумийлик ва хусусийлик борлиқнинг бутунлиги ва унинг қисмларга ажралиши масалаларининг информатика фанини ўқитиш жараёнига татбиқи ҳақидаги маълумотлар эгаллаган.умумтаълим мактабларида информатика фанини фалсафий жиҳатдан ўрганиш, шу асосда ўқувчилар тафаккурини ўстириш тадқиқот ишимизнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича улкан ишлар олиб борилмоқда. Бундай ислоҳотлар ҳар бир фан, жумладан, информатика фани олдига катта масъулият юклайди. Бу масъулиятли вазифани адо этиш, айниқса, информатика ўқитувчиси олдига улкан вазифалар қўймоқда. Улар олдига қуйидаги уч вазифа қўйилган:

1) ўқувчининг фикрлаш қобилиятини шакллантириш;

2) ўз фикрини информатика фани орқали воқелаштириш;

3) информатика фанига оид матнни ёзма шаклда ифодалаш.

Буларнинг асосида ўқувчи тафаккурини ўстириш ётади. Чунки фикрлаш ҳам, уни нутқий моддийлаштириш ҳам ва ёзма шаклда бериш ҳам инсон тафаккури маҳсули саналади.

Ўқитишнинг дидактик методлари соҳасида тўпланган барча бойликларни эгаллаш ва уларни ҳар доим янгилаб бориш ўқитувчилар олдтига ўсиб келаётган ёш авлодга таълим бериш вазифасини қўяди.

Психолог олим Э.Ғозиев юқори синф ўқувчиларида тафаккур мустақил, чуқур бўлиши кераклиги ҳақида ўринли фикрларни айтган. Юқори синфда информатика фанидан мустақил фикр юритиш методикаси ва техникаси вужудга келади, билим олиш кўникмаси пайдо бўлади[14].

Буларнинг барчаси ўқувчиларда тафаккурни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Таълимда креативликни ташкил қилиш, дарсни лойиҳалаш муаммоларни мажмуали ўрганиш орқали тафаккур ўстириш масалалари Р.Ибрагимов, Л.М.Фридман ва И.Ю.Кулагина, Д.И.Кочетов, В.Каримова каби олим ва олималар томонидан тадқиқ этилган. Л.М.Фридман ва И.Ю.Кулагиналар ўқувчилар шахсининг ривожланишида ўсмирликдан ўспиринликка ўтиш ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб, бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истаги (ёқимли бўлиш)нинг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан тавсифланишини айтган эдилар. Энг аввало, ўқитувчининг ўзидафаразлар қўйиш, дарсни лойиҳалай олиш ривожланган бўлса, у таълимда тафаккур ўстира олишини педагог Р.Ибрагимов ҳам исботлаб беради[15].

ХУЛОСА. Педагогик ва методик адабиётларда ўқув-тарбиявий ишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун муаммоларни мажмуали ўрганиш лозим.

Юқоридаги кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, тафаккур ўстириш учун ўқувчини ҳар томонлама ўрганишга, уларнинг руҳиятига кириб бориш, дарсга қизиқтира олиш аҳамиятли ҳисобланади. Чунки "қизиқишлар бўлмаса ёки етарли озуқа олмаса, ҳаёт зерикарли.

Қизиқишни бошдан кечираётган индивидда изланиш, ҳамма нарсага аралашиш, янги ахборот олиш йўли билан тажрибасини кенгайтириш, ўзида қизиқиш уйғотган объектга яқинлашиш хоҳиш пайдо бўлади.

Психолог Р.Асомова эътироф этишича, мотивлар шахсни ақлий-амалий ҳаракатларга, муомала жараёнига ундовчи, ҳулқ-атворни қондириш билан боғлиқ сабабият[20].

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга доир бир қанча психологик тадқиқот ишлари олиб борилганлиги юқорида баён қилинди. Бироқ айни умумтаълим мактаби ўқувчиларида тафаккурни ривожлантириш, уларда мотивация ҳосил қилиш лозимлиги, информатика фанни фалсафий асосда ташкил этиш ҳозирги информатика фанида махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган. шунинг учун мазкур тадқиқот ишимиз информатика фанида ўқувчиларда мотивация ҳосил қилишда қўл келадиган методик ишланмалар, тавсиялар тизими ишлаб чиқилганлиги билан долзарб.

Интерпретацион фаоллик ўқитувчидан информацион-изланувчанлик методларини талаб қилади ва ўқувчида маълум даражада креатив фаолиятни таъминлайди.

Юқорида тилга олинган ишлар илмий изланишларимиз учун назарий асос бўлиб

хизмат қилди. Ўз-ўзидан маълумки, информатика фанини ўқитишда ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш масалаларининг замонавий таълим технологиялар билан боғлаб ўрганилишини қониқарли деб бўлмайди.

Шу кунга қадар информатика фанини ўқитиш методиксига доир илмий-тадқиқот ишлари, рисолалар ҳамда методик қўлланмаларда замонавий таълим технологиялари асосида ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш, баҳс-мулоҳазаларни дарслар ташкил этиш, информатика фанига доир атамаларни инновацион таълим технологиялари асосида ўргатиш; информатика фанини фалсафа ҳамда мантиқ қонунлари, шунингдек, бошқа фанлар билан ўзаро боғлаб ўқитиш йўл-йўриқлари ҳақида аниқ маълумотлар деярли учрамайди. Ушбу тадқиқот иши умумтаълим мактабларидаги мана шу кематикликка барҳам беришга қаратилган.

Адабиётлар:

1. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. -Т.: "Маънавият", 2001. -Б. 102.
2. Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. -Т.: "Фан", 1980. -Б. 117.
3. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. -Т.: "Ўзбекистон", 1998. -Б. 159.
4. Маънавият юлдузлари. -Т., 1998. -Б. 91-92.
5. Нуржонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.: "Ўзбекистон", 2002. -Б. 79.
6. Туланов Ж. Диалектика назарияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2009. -Б. 156.
7. Фароби. Историко-философский трактаты. -Али –ота: «Нукус», 1985. 360 с.
8. Чориев А. Инсон фалсафаси. -Т.: "Чинор", 2002. -Б. 103.
9. Шамсиддинов Ҳ. Функционал – семантик синонимларни юзага келтирувчи психолингвистик омиллар. /Ўзбек тили ва адабиёти. -1997. -2-сон. -Б. 32.
10. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. -Т., 2000. -Б. 28.
11. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатларнинг турлари. -Т.: "Ўқитувчи", 1986. -Б. 13.
12. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. -Т., 1993. -Б. 5.
13. Бабаинский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: "Ўқитувчи", 1990. -Б. 27.
14. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. -Т.: "Ўқитувчи", 1990. -Б. 176.
15. Ибрагимов Р. Проблемный подход обучения младших школьников. Автореф. дисс… канд. пед. наук. -Т., 1981. -16 с.
16. Фридман Л.М., Кулагина И.Ю. Психологический справочник учитель. -М.: "Психология", 1981. -188 с.
17. Качетов А.И. Педагогическое исследование. -Рязанов, 1976.
18. Каримова В. Психология. -Т.: "А. Қодирий номидаги халқ мероси", 2002.
19. Леонтьев А.Н. Деятельность. Создание. Личность. -М.: "Политиздат", 1975. – 305 с.
20. Асомова Р. Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси. Пед. ф. н. дисс... -Т., 2002. -195 б.